# Qishloq hayoti

Қишлоқ хаёти

2007 YIL 21 DEKABR, JUMA, 152 (7301) - сон

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan


Ўзбекистон 1991-2007 йилларда

**Бугунги кунда республикамизда 950 мингдан зиёд ёш оила мавжуд бўлиб, юртимиздага жами оилаларнинг 16 фоизини ташкил этади.**

## Куннинг муҳим воқеалари

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчилар миссияси штаби раҳбари Владимир Гаркун журналистлар билан учрашди.**

Пойтахтимизда Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фондининг 2007 йилдаги фаолияти якунларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

**Тошкент шаҳар Солиқ коллежида "Аёл. Жамият. Ёшлар" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.**

Тошкентдаги Лаъл Баходур Шастри номидаги ҳинд маданият марказида Ҳиндистоннинг машҳур шоири ва ёзувчиси Амрита Притам хотирасига бағишланган адабий кеча бўлиб ўтди.

**Қарши шаҳрида ўтказилган меҳнат ярмаркасида саксонга яқин корхона, ташкилот ва муассаса 330 бўш иш ўрни билан иштирок этди.**

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида «Зарафшон-парранда» хусусий ишлаб чиқариш тижорат фирмаси иш бошлади.

**Бухоро шаҳрида шашка бўйича "Буюк ипак йўли" халқаро турнири якунланди. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ташкил этилган мусобақада Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистоннинг етакчи спортчилари ўзаро баҳс юритди.**

Самарқанд вилоятидаги Тайлоқ олимпия захиралари коллежида 1991-1992 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида миллий кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги мусобақалари якунланди.

**Элликқалъа туманидаги "Тоза боғ" овул фуқаролар йиғини ҳудудида замонавий "Ёшлар уйи" фойдаланишга топширилди. Мажмуа "Гўзаллик салони", никоҳ тўйларини ўтказишга мўлжалланган тантаналар зали, дурадгорлик ва пайвандлаш цехларини ўз ичига олади. Бу ерда ўндан ортиқ йигит-қиз иш билан таъминланди.**

# "Янги йилни янги уйларда кутамиз"

## дейишмоқда Президент Фармони туфайли уйли бўлган ёш оила соҳиблари

***Ҳар йили мамлакатимизда янги оилалар пайдо бўлар экан, уларни уй-жой билан таъминлаш зарурати ҳам юзага келади. Бунинг учун эса ҳамманинг ҳам моддий эҳтиёжи, сармояси етавермайди. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони худди шундай кишиларга амалий ёрдам бериш мақсадида қабул қилинди.***

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Навоий минтақавий филиали ўз фаолияти давомида айни шу мақсадларни ва бошқа вазифаларни амалга ошира бориб, бир қанча ишларни бажарди. Агар рақамларга мурожаат этадиган бўлсак, банкнинг кредит қўйилмалари кейинги вақтда босқичма-босқич ошиб борганлигини кузатиш мумкин. Масалан, банк томонидан 2007 йилнинг уч чорагида аҳолига 272,2 миллион сўмлик истеъмол кредитлари ажратиб берилди. Эътиборга молик жиҳати шундаки, унинг 181,2 миллион сўми, яъни жами истеъмол кредитларининг 65 фоиздан зиёди ёш оилаларга берилди. Жамоа ходимлари йил охиригача бу кўрсаткични 1 миллиард 300 миллион сўмга етказишга интилишмоқда. Ипотека ва истеъмол кредитлари ҳамда микрокредитларни олиш ниятида бу ерга келаётганлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

**(Давоми 3-саҳифада)**



Ўз уйингда тинч-тотув ҳаёт кечиришга нима етсин?!

# Самимий қутловлар

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни йўллашдан беҳад мамнунман.

Фурсатдан фойдаланиб, Аллоҳдан Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва равнақ ато этишни сўраб қоламан.

**Али Абдуллоҳ СОЛИҲ,**
**Яман Республикаси Президенти**

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Муборак Қурбон ҳайити муносабати билан Сизни ва дўст Ўзбекистон халқини самимий табриклайман.

Аллоҳ ўз марҳаматини ҳаммамизга саховатлик ила туҳфа қилсин ҳамда эзгулик, инсонпарварлик ва тинчлик каби буюк ғояларга асосланган интилишларимизга муваффақиятлар ато этсин.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга бахт ва омад, ўзбек халқига тинчлик ва равнақ тилайман.

Самимият ила,

**Имомали РАҲМОН,**
**Тожикистон Республикаси Президенти**

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Муқаддас Қурбон ҳайити муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзимнинг самимий табрик ва энг эзгу тилакларимни йўллаш бахтига мушарраф бўлганимдан ғоят хурсандман. Аллоҳ таолодан Сизнинг буюк халқингиз ва бутун ислом уммати учун амалга ошираётган саъй-ҳаракатларингизга муваффақиятлар ато этишини илтижо қиламан.

Аллоҳ Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт ва узоқ умр, Ўзбекистон халқига тўкин-сочинлик ва тараққиёт ато этсин, ислом умматига ҳамжиҳатликни насиб айласин.

Менинг юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

**Акмалиддин ЭҲСОН ўғли,**
**Ислом конференцияси ташкилоти Бош котиби**

* * *

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Ислом Каримов Жаноби Олийларига*

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу!

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига Саудия Арабистони халқи, ҳукумати ва шахсан ўз номимдан энг самимий тилаклар ва эзгу истакларимни йўллашдан ғоят мамнунман.

Ушбу фазилатли айёмда Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан Сиз, Жаноби Олийларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, дўст Ўзбекистон халқига тараққиёт ва юксалиш, барча мусулмонларга фаровонлик ва кут-барака ато этишини сўраб қоламан.

Самимий эҳтиром ила,

**Абдуллоҳ бин Абдулазиз Ол САУД,**
**Икки муқаддас масжид ходими,**
**Саудия Арабистони Подшоҳи**

* * *

**Шунингдек, Фаластин Миллий ҳокимияти раиси, Фаластин озодлик ташкилоти Ижроия қўмитаси раиси Маҳмуд Аббос, Ливия Араб Халқ Социалистик Буюк Жамоҳирияси Раҳбари Муаммар Қаззофий, Сурия Араб Республикаси Президенти Башшор ал-Асад, Араб давлатлари лигаси Бош котиби Амр Мусо, Бошқирдистон Республикаси Президенти Муртазо Раҳимов, Ингушетия Республикаси Президенти Мурод Зязиков, Бангладеш Халқ Республикаси Муваққат ҳукумати раҳбари Фаҳруддун Аҳмаддан ҳам табрикномалар олинди.**

**Табриклар келиши давом этмоқда.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасида 20 декабрь куни "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлашга доир қисмининг ижро этилиши муҳокамасига бағишланган мажлис бўлиб ўтди.***

# ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида теран таркибий ва тузилмавий ўзгаришлар рўй берди. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини барпо этиш юзасидан кейинги йилларда қабул қилинган чора-тадбирлар қишлоқда мулкдорлар синфи шаклланишида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпайиши ва қишлоқ аҳлининг даромадлари ортишида мададкор бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги, "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги, "Ветеринария тўғрисида"ги, "Наслчилик тўғрисида"ги, "Лизинг тўғрисида"ги ва бошқа Қонунлар қишлоқ хўжалиги, шу жумладан, фермерлик ривож топишида асос бўлаётган норматив-ҳуқуқий базага айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори шу йўналишда янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, камҳосил ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермерларни давлат йўли билан самарали қўллаб-қувватлаш учун пухта замин бўлиб қолди.

Мамлакат Давлат бюджети қабул қилиниб, унда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлмаган ерларда ишлаётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун аниқ мақсадга йўналтирилган маблағлар белгиланиб, уларни молиялаштиришнинг аниқ манбалари белгилаб қўйилганлиги фермерлик ҳаракатини ривожлантириш тўғрисида давлат томонидан қилинаётган доимий ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

**(Давоми 2-саҳифада)**

# Сўз – халқаро кузатувчиларга

***Шу йилнинг 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан уч юзга яқин кузатувчи кузатиб бориши кутилмоқда. Шу кунгача юздан зиёд халқаро кузатувчи мамлакатимизга келиб, ўз фаолиятини бошлади. ЎзА мухбирлари уларнинг айримлари билан дастлабки таассуротлари ҳақида суҳбатлашди.***

***Дато Хожи Ван Аҳмад бин ВАН УМАР, Малайзия Сайлов комиссияси раиси ўринбосари:***

### САЙЛОВ ОЧИҚ ВА ОШКОРА ЎТИШИГА ИШОНАМИЗ

— Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси билан Малайзия Сайлов комиссияси ўртасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жамият ва давлат қурилиши соҳасида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган муҳим сиёсий воқеадир. Ушбу жараённи кузатиш мақсадида Малайзиядан ҳам бир гуруҳ вакиллар ташриф буюрди. Президент сайлови очиқ ва ошкора тарзда ўтишига ишонамиз.

Биз Ўзбекистонни жаҳон илм-фанига беқиёс ҳисса қўшган юрт сифатида биламиз. Ўзбекистон қадимий ёдгорликлар, муқаддас зиёратгоҳлар ва тарихий обидалари билан ҳам дунёга машҳур. Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро Ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти деб эълон қилиниши мамлакатингизда истиқлол йилларида миллий-маданий қадриятларни тиклаш борасида қилинган бетимсол ишларнинг, ислом маданияти ривожига аждодларингиз қўшган улкан ҳиссанинг халқаро эътирофидир.

Малайзияда Ўзбекистон маданияти ва тарихига қизиқиш жуда катта. Малайзияликлар ўзбек заминида туғилиб ўсган буюк алломаларнинг ҳаёти ва ижодига ҳамда Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларга жуда қизиқадилар.

***Борис ҚАНДОВ, халқаро кузатувчи, АҚШ ва Канададаги Бухоро яҳудийлари конгресси ва маркази президенти (АҚШ):***

### ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ ДЕМОКРАТИК ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТИШИГА ШУБҲАМ ЙЎҚ

Истиқлол йилларида Ўзбекистон халқининг дунёқараши ва тафаккури тубдан ўзгарди.

**(Давоми 2-саҳифада)**

***Фарғона вилоятида сайловга тайёргарлик ишлари якунланмоқда. Барча сайлов участкаларида сайловчилар учун зарур шарт-шароит муҳайё қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида вилоят бўйича 92 мингдан зиёд йигит-қиз илк марта овоз беради. Биз уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.***

# КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

**Нилуфар АБДУҒАНИЕВА, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Фарғона давлат университети талабаси:**

— Мен сайловда илк бора овоз бераман. Бу мен учун ҳам шараф, ҳам катта масъулият. Чунки сайлов демократиянинг муҳим шартларидан биридир. Ҳар биримиз бу муҳим тадбирда иштирок этиб, халқимизнинг фаровон ҳаёти, Ватанимиз равнақи ва ўз келажагимиз учун овоз берамиз. Албатта, бу биз ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятимизни белгилаб берадиган жараён ҳамдир.

**Машҳура МАҲКАМОВА, Бувайда туманидаги педагогика коллежи талабаси:**

— Паспорт олиб, мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлган куним – ҳаётимдаги энг бахтли онлардан бири бўлган эди. Мана, биринчи марта Президент сайловида иштирок этиш шарафига муяссар бўлмоқдаман. Мен сайлов компанияси бошланганидан буён ҳар бир жараённи қизиқиш билан кузатиб боряпман. Сайловга тайёргарлик жараёни демократик тамойилларга асосланган ҳолда ошкора ва холис олиб борилмоқда, деб ўйлайман.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

*Фарғона вилояти*

# Касаначилик икки томонга манфаатли

**Шу ва бошқа омиллар ҳисобига бир ярим минг киши иш билан таъминланди**

***Дўстлик туманида яшовчи Мираббоснинг уйга кирса ҳам, кўчага чиқса ҳам ҳаловати йўқолган. Бир неча ойдан буён вақтинча ишсиз бўлиб қолди. У хаёллар оғушида уйига қайтаётганида ортидан кимдир чақиргандай бўлди. Ўгирилиб қараса, ўртоғи Эркинбой ўзи томон шошилаётган экан.***

– Бекорчиликдан зерикмадингми? – деди у Мираббосга.

– Ўзимга лойиқ бирор юмуш чиқмаса нима қилай? – саволига савол билан жавоб қайтарди.

– Топган баҳонангни қара-ю, шу ҳам муаммоми? "Бандликка кўмаклашувчи марказ"га бор, ёрдам беришади.

**Бандлик дастури амалда**

Мираббос Эркиннинг бурро-бурро гапиришида маъно борлигини у айтган марказга келганидан сўнг англади. Дунё бехабар ўтираверибди, у таниганларнинг кўпчилиги аллақачон бинойидек ҳунар эгаллаб, ишли бўлишибди.

Пештоқига "Бу даргоҳдан ҳеч ким ишсиз қайтмайди" деб ёзилган идорага кирибоқ кўнглидаги чигалликлари ёзилди. "Қайси касбни ёқтирасиз?" дея ёзиб қўйилган рўйхатни кўриб, оғзи ланг очилди.

– Наҳотки, чўлнинг ўртасида жойлашган туманимизда шунча касб бўлса? – ўз-ўзига ишонмади у.

Ҳунарларнинг аксарияти саноат соҳасига таааллуқли бўлганлиги учун яна ҳафсаласизликка тушди. Шу жойда ишловчи мутахассислардан бири фикрини ўзига жалб этмаганда, эҳтимол, бу ердан чиқиб кетган бўларди.

– Иш сўраб келаётганларнинг ҳаммаси ҳам дастлаб сизнинг аҳволингизга тушишади, – деди ўша мутахассис худди кўнглидагини англагандай. Сўнг уни марказ директори А.Қаршиевнинг хонасига бошлади...

**(Давоми 3-саҳифада)**

# Дунё жамоатчилиги Ўзбекистондаги Президент сайловлари тўғрисида

***Якунловчи босқичга кирган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жаҳоннинг турли мамлакатлари ижтимоий-сиёсий, таҳлилий ва академик доиралари эътиборини тобора ўзига тортмоқда. Ўзбекистон ҳаётидаги ушбу муҳим сиёсий воқеани шарҳлар экан, хорижлик мутахассислар мамлакат тараққиётининг узоқ истиқболини, Ўзбекистон жамиятини ислоҳ этиш ва модернизация қилиш бўйича янги вазифалар ечимини белгилайдиган Президент сайлови юзасидан якдил фикр билдиришмоқда.***

**Шарқшунос олим, Франция Фанлар академияси аъзоси, профессор Кристиан Лошон**нинг фикр билдиришича, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлини танлаб олган мамлакат сифатида Ўзбекистон сайловларнинг умум миқёсда қабул қилинган меъёрларга мувофиқ ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлашга интилмоқда. Сайловларда жамият турли қатламлари қарашларининг ифодаси ва фикрлар хилма-хиллигининг кафолати бўлган турли сиёсий партиялар ва сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан тўрт нафар номзоднинг иштирок этаётгани юқорида келтирилган фикрнинг ёрқин тасдиғидир.

Буларнинг барчаси Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан қатъийлик билан ва аниқ мақсадга йўналган ҳолда бораётганидан далолат беради.

**Франция Миллий ассамблеяси депутати, «Франция — Ўзбекистон» парламент дўстлик гуруҳининг раиси Ролан Блюм** Ўзбекистон Президенти сайловида турли сиёсий партиялардан номзодларнинг иштирок этаётгани ушбу муҳим сиёсий жараённинг демократия асосида ўтиши ва тенг ҳуқуқлилигини таъминлашда муҳим омил бўлаётганига эътибор қаратди.

**(Давоми 2-саҳифада)**


Qishloq hayoti
Қишлоқ хаёти

**МУАССИСЛАР:**

*Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —*

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари, "Ўздонмаҳсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзагросуғурта", "Ўзвиносаноат-холдинг", "Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг", "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати", "Ўзбекенгилсаноат", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромашсервис", "Ўзгўштсутсаноат" уюшмалари, "Пахта Банк", "Ғаллабанк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агросаноат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази**

***Яқинда Ўзбекистон тўқимачилик саноати вакиллари амалий сафар билан Бельгияда бўлдилар. Мазкур сафардан кўзланган мақсад Бельгиянинг етакчи компаниялари – гилам тўқиш ва тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқарувчи корхоналари билан тўғридан-тўғри алоқалар ўрнатиш ҳамда замонавий технологиялар билан яқиндан танишиш эди.***

## Ўзбекистон тўқимачилари Бельгияда

Бельгияга сафар чоғида Ўзбекистон делегацияси аъзолари тўқимачилик асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Van de Wiele», «Picanol Group», «Bonas» каби жаҳонга машҳур компаниялар раҳбарлари билан музокаралар олиб боришлари баробарида замонавий технологияларни қўллаш ва уларга хизмат кўрсатиш усуллари билан яқиндан танишдилар.

Бельгия вакиллари Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг касб маҳоратига юксак баҳо беришар экан, улар Ўзбекистон саноати ривожини катта қизиқиш билан ўрганишаётгани ҳамда республикамизнинг гилам тўқиш ва тўқимачилик саноати улкан салоҳиятга эга эканини таъкидлашди.

«Van de Wiele» компанияси президенти Шарл Бодуин ва ушбу компания менежери Люк Кунеграхт ўзбекистонлик гилам ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш билдирди. "Модомики, саноатнинг мазкур тармоғи Ўзбекистонда жадал ривожланаётган экан, у ёрқин истиқболга эгадир", деди у.

Белгиялик тадбиркорлар Ўзбекистон корхоналари билан ҳамкорлик имкониятларини атрофлича ўрганиш учун 2008 йилда Тошкентда бўлиб ўтадиган тўқимачилик асбоб-ускуналари халқаро кўргазмасида қатнашиш ва Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очиш юзасидан қизиқиш билдиришди.

**«Жаҳон» АА**

*Брюссель*

# Мактаб кутубхонаси

## Нишонлик кутубхоначи Санобар Хушалиеванинг астойдил саъй-ҳаракати туфайли унинг зиёсидан кўпчилик баҳраманд бўлмоқда

***Санобар бир неча йилдирки, Нишон тумани Нуристон шаҳарчасидаги 35-умумий ўрта таълим мактаби кутубхонасида хизмат қиляпти. Мактаб биноси "Шўртангазкимё" мажмуаси ҳомийлигида барпо этилган бўлиб, ушбу корхона тасарруфида эканлиги катта имкониятлар эшигини очмоқда.***

Замонавий мактабнинг кенг ва ёруғ хоналари, зарурий ўқув ашёлари ўқитувчи ва ўқувчилар ихтиёрида. Ҳа, мактаб кутубхонасини нурхонага қиёсласа бўлади. Мудири Санобар Хушалиеванинг қўли-қўлига тегмайди. 1509 ўқувчи таълим-тарбия олаётган ўқув даргоҳида ўқувчиларнинг барчаси дарсликлар, қўшимча адабиётларни ушбу зиё масканидан олишади.

– Бизда нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар, маҳалла аҳли ҳам кутубхонамизнинг фаол аъзолари ҳисобланади, – дейди у. – 12 минг 103 та 1-9 синф ижара дарсликлари бўлиши билан бирга 770 та бадиий, 395 та ўқитувчи ва ўқувчилар учун қўлланма мавжуд. Кутубхонада Президент асарлари бурчаги ташкил этилган. Тарихий саналар, дунё ва Ўзбекистоннинг муҳим воқеалари муносабати билан тадбирлар ўтказиб турилади. Буюк давлат арбоби ва саркарда Амир Темур таваллуди, таниқли ўзбек ёзувчиси Абдулла Қаҳҳорнинг 100 йиллиги, Тиловолди Жўраевнинг "Бозор дунё" асари бўйича ўтказилган тадбирлар барчага манзур бўлди.

Шу йил ёз ойида Украинанинг Гагарин ҳамда Туркиянинг Панора оромгоҳида таътилни ўтказган 14 нафар ўқувчимиз "Мустақиллик менинг тақдиримда" маърузасидаги кечада фаол иштирок этди. Истиқлол берган буюк бахт, Ўзбекистон фарзандлари дунёда энг бахтли болалар эканлигини фахр-ифтихор билан сўзлаб беришди. Украина ва Туркиядан олиб келинган суратлар ҳамда адабиётлар кутубхонага совға қилинди. Шу асосда "Ўзбекистон ва жаҳон" бурчаги ташкил этилди.

Мактаб кутубхонаси фаолияти нафақат шаҳарчада, қолаверса, туман, вилоятда барчага ибратдир. Яқинда бу ерда туман кутубхоначиларининг семинари бўлиб ўтганлиги, унда барча услубчиларнинг иштирок этиб, илғор тажрибадан андоза олганликлари алоҳида эътиборга моликдир.

Касбни эъзозлаган, уни қадрлаб барчани китобга, унинг маънавий-маърифий дунёсига етаклаган инсон кам бўлмайди. Санобар ҳам кутубхонани зиё, нур масканига айлантирди. Бу меҳнати унга обрў-эътибор келтирмоқда.

**Ҳусан ТЕМИРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

*Қашқадарё вилояти*

# Ороллар "Дунё"си

***Осмонўпар иморат қуриш баҳси ҳам кўҳна дунёдаги қадимий "мусобақалар"дан биридир. Дастлаб "кеккайган" Хеопс пирамидасининг қадди-басти 147 метр эди. Унинг ёши 3500 йилга борди. Ўн биринчи асрда Лондондаги Момо Ҳаво ибодатхонаси "новчалик"да ундан ўзиб кетганди.***

Афсуски, у бизнинг замонамизгача сақланиб қолмади. Ноттрдам ва Кёльн ибодатхоналари энг баланд иморат деб ҳисобланарди-ю, 1889 йили 320 метрлик Эйфель минораси унақанги "дароз"ларнинг барини йўлда қолдириб кетди. Нью-Йоркдаги Бильтон осмонўпари, 11 сентябрь куни кунпаякун бўлган Жаҳон Савдо маркази, Москвадаги Останкино, Тошкентдаги Юнусобод телеминоралари ҳам ушбу "беллашув"да қатнашмоққа



ҳақли бўлишган, албатта.

Бироқ булутни кўзловчи энг "новча" иморат қуриш бўйича энди ҳеч ким Дубайга бас келолмайдиган кўринади. Ахир ўйлаб кўринг-чи, ҳали битмасидан 800 метрлик "чўққи"ни кўзлаб турган "Ворш-Дубай" номли кўп қаватли уйни ким ҳам ортда қолдира олади? Аммо афтидан ушбу рекордни ҳам тағин нефтфуруш арабларнинг ўзлари қувиб етадилар шекилли. Чунки "Ал-Бурж" деб аталувчи осмонўпарнинг қурилиши 2012 йилда ниҳояланадики, унинг баландлиги бир ярим километр бўлар эмиш-да.

Ҳайратда қолмасликнинг сира иложи йўқ: бугунги Дубай каттакон қурилиш майдонининг ўзгинаси. Саноқли кунларда ё ойларда ваҳимаси зўр иморат битиб қолади. Бир хабарда айтилишича, кўп қаватли уйлар қурилишига ихтисослашган дунёдаги барча кранларнинг йигирма фоизи Дубай ва Абу Даби оралиғида бетўхтов ишлаб турибди. Ҳиндистону Покистондан келган юз минглаб қурувчи-мардикорларга иш, озиқ-овқат, ётоқ-жой, маош муҳайё эканини айтсак, тағин ҳам ҳайратда қоласиз...

Лекин бунақанги ҳайратлантиришдан дубайликларнинг ўзлари "зерикиб" қолишди. Энди нигоҳни осмондан олиб, океанга қаратган араблар ўз мўъжизаларини сувда яратмоққа бел боғладилар. Уммонда нима кўп – орол кўп. Аммо қаторлашган сунъий орол ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Мабодо эшитган бўлсангиз-да, унинг "муаллифи" ҳам айнан Дубай аҳлидир. Ҳалигача жаҳон тарихида тимсоли бўлмаган ушбу лойиҳанинг номи "Дунё" деб номланмоқда.

Айтишларича, Дубай соҳилидан тўрт чақирим нарида, сувнинг қоқ ўртасида 300 дан ортиқ кўлбола оролчалар яратилади. Улар шунчаки қуруқлик бўлмасдан, ўзида замин харитасини акс эттиради. Хоҳлаган одам иккинчи "Австралия"данми, "Африка"данми ё "Ҳиндистон"данми ўзига ер участкаси сотиб олиши мумкин. Маълумотларга қараганда, мол-дунёси ошиб-тошиб ётган сармоядорлардан анчагинаси "янги дунё"нинг қай бурчидан заминдор бўлишни тайин қилиб, ҳалитдан пулини ҳам тўлаб қўйишибди. Қарангки, Дубайнинг денгиздаги "Дунё"сида "Антарктида" ҳам бор, аммо бу "қитъа"да қор ва муз не эканини билмайдилар, аксинча, Дашти Карбало ва Саҳрои Кабир каби иссиқ бўлади.

**Рустамжон УММАТОВ тайёрлади.**

### *Ҳажвия*




***Йўлдош суюнчи олди.***

***– Тошниёз савдо дўкони очибди.***

***Ҳар ишнинг яхшиликка бўлгани яхши-да. Дарров йўлга тушдик. Бир тарафда ширинликлар, ўртада маҳсулотлар, чап томонда ўқув қуроллари. Тошниёзнинг оғзи қулоғида. Қўлини сиқиб табрикладик.***

– Ўзиям қўғирчоқдек безабсан.

Тошниёз оҳор бериб гапирган ҳар бир гапимизга "Қуллуқ!" қилиб турди.

– Бир болали сигирни сотиб, Дилмурод расмчидан бир миллион сўм пулни йигирма фоиздан қилиб қарз кўтардим, – бир оз ўксингандек гапирди Тошниёз.

– Савдоингни барорини берсин! – тасалли берди Йўлдош. – Хотин ёнингга қолар, қарз узилар-кетар, деган гап бор.

– Бир улоқни яратган эгам, – Йўлдошнинг гапига гапимни улаб юбордим, – бир боғ шибоғ ҳам ўстирган экан. Фермага мудир, ғаллага омборчи, хўжаликка хазинабон бўлдинг. Қани энди у ишлар. Аммо номини ҳам зўр қўйибсан, – дўкон пешонасидаги тунука ёзувга ишора қилдим.

Йўлдош лабини чўччайтирди. Бир оз ўйлаб олай кейин бир нарса дейман, қабилида бўйнини қашиди. Шу билан бу баҳсга якун ясадик. Суҳбатни у томондан олиб бу томонга ағдариб турсак ҳам Тошниёзнинг совуқ башарасига қон югурмади. Охири муддаога ўтишга тўғри келди.

– Уйга таклиф қилмайсанми?

– Айтдим-ку, чиқимдорман, деб, – безрайди Тошниёз. – Уйга бошқа пайт.

– Ўзимизнинг ҳисобимиздан, насияга бер, бўлмаса. Шунча масофадан йўл босиб келдик. Қуруқ кетмайлик...

– Насияга бўлмайди, жўра, – бошини кифтига ташлаб юборди Тошниёз. – Қасам ичганман "беш ой насия қилмайман!" деб.

Йўлдош Тошниёз жўрасининг "Урсанг, ўламан!" деб туришидан қизариб кетди.

– Маошлиларга насия қилиб тур. Бўлмаса савдоинг юришмайди, ошна.

– Йўқ дедим-ми, йўқ, – гапни чўрт кесди Тошниёз. – Илтимос, мендан хафа бўлманглар.

Начора, уриб бўлмаса, сўкиб бўлмаса... Шалвираб изимизга қайтдик. Аммо лекин Тошниёз жўрамиздан изза бўлиб қайтишни кутмаган эдик.

– Бир иш қиламиз, – деди Йўлдош мени тўхтатиб. – Эртадан бошлаб сен касалсан. Мактабга бормайсан.

– Йўғ-э... Нафасингни иссиқ қил. Мен соппа-соғман.

– Менинг айтганимни қил, – Йўлдош жиддий тортиб деди. – Эртага Қултўранинг суннат тўйи. Бу ёғини менга қўйиб бер.

Нима ҳам дейман. Жўрачилик қийин. Айтганини қилмасам аразлайди. Эртаси Қултўраникидан уйимга икки марта "чақирувчи" келди.Важ-карсонларни тўқиб, касалман дедим.

Кейин эшитсам Йўлдош тўйга келганларга эълон қилибди:

– Тошниёзнинг дўконидан бир шиша арок, икки килодан макарон олувдик. Икковимиз ҳам заҳарландик. Макаронидан тамакининг таъми келаяпти... Итга бердик.

Бўлди тортишув... Униси у дебди, буниси бу дебди. Тошниёзнинг гўрига ғишт қалабдилар.

Қишлоқчилик-да. Ким қайси томонга бошласа, бошқалар ҳам шу томонга оғиб кетаверади. Хидир дўкончига худо берди. Қўли қўлига тегмайди. Бўш қолди дегунча жарақ-жарақ пул санабди. Ҳа, қурғур-ей... Жуда қув. Тегирмондан тирик чиқади. Тошниёзнинг нимага бадном бўлганини сезган кўринади. Ўтиб кетаётувдик, йўлимизни тўсди.

–Бир ҳақ берай, – икки қўлини кўксига босиб "келин салом" қилди Хидир. – Тозасидан, шарикли "мўйсафид" олиб келувдим. Товуқ пойча бор.

Йўлдош менга, мен Йўлдошга қарадим.

– Насибадан қайтма, – деган гап бор, – Йўлдошни дўкон томон судрадим.

– Бир вақтлар Хидирни ўқитган эдик. Ҳақ беришга ҳаққи бор.

Бир ой ичида Тошниёз онасидан туғилганига пушаймон бўлди. Ўз туғишганлари савдога келмаганига нима дейсиз?

Охири ишининг тескари кетганининг сабабини билган кўринади. Пешинда Йўлдошни эргаштириб уйга зулукдай чўзилиб кириб келди. Ўсал бўлгани рангрўйидан билиниб турибди. Узун бўйли, шишалари чиройли икки дона арок, чамаси икки килолар бор – қўй гўшти, колбаса, газак учун ул-бул... Тошниёзни кўриб хуш кўрмаган қиёфага солдим ўзимни.

– Йиғиштир! Мен садақага зор эмасман.

Яна бир оз баланд гапирсам Тошниёз йиғлаб юборгудек... Йўлдош чап кўзини қисиб "жим!" деган маъно қилди.

– Мендан гуноҳ ўтди, – қилган хатосини тан олди Тошниёз. – Аҳмоқлик қилдим. Сизлардан бошқа кимим бор?

Гина-кудуратга ўрин бермадик. Чақ-чақлашиб шишаларни бўшатдик. – Йўлдош Тошниёзнинг кўнглини кўтарди. Тошниёз бир боғлам пулни менинг олдимга ташлади.

Илкис пулни олиб кўрпача тагига тикди Йўлдош.

– Э-бе, деб ўтирма. "Оқтош"га марҳамат!" дейсанми, "Харидорлар хурсанд" деб сарлавҳа қўясанми, ишқилиб газетага бир мақола ёз. Қўлингдан келади. Сен эса синфдош, – қайрилиб Тошниёзнинг елкасига урди Йўлдош, – биз бормиз қайғурма. Худо хоҳласа, савдоинг энди юришиб кетади. Шуниси борки, бундан кейин насия қилиб тур.

Шойим бобонинг йил ошига келганларга Йўлдош Тошниёз синфдошини бир соат мақтади.

– Ҳалоли бўлсин. Келтирган озиқ-овқатлари сифатли, муддати ўтмаган, бунинг устига нархи ҳам Хидирникидан анча арзон. Топган пулидан тўй қилсин. Энг муҳими, насияга десангиз "йўқ!" демайди. Тушунган йигит-да. Маҳаллада ҳам унинг насияга бериш хислати мақталди. Ҳатто, саховатпешалиги, қурби келмаганлардан қарзини ҳам кечиб юбораётганлиги айтилди.

Орадан уч кунни ўтказиб атайин Тошниёзга бир кўриниш бердик. Ишонасизми-йўқми қишлоқнинг тенг ярим аҳолиси унинг дўконига кириб-чиқиб турган экан.

– Ҳорманг, Тошниёзбой, – ўнг қўлини кўтариб салом берди Йўлдош. – Бола-чақалар омонми?

Тошниёз негадир хурсанд кўринмади, аксинча, кайфияти йўқроқ. Лекин дард ёрмади. Сабабини кейин билдик, бизнинг тарғиботнинг кучи билан унинг дўконига ёғилган қишлоқдошларнинг ҳаммаси деярли пулсиз кираётган экан. Ҳозирча одамлар унинг насияга бериш, қарздан воз кечиш "хислат"ларини рўкач қилиб, муомала қилишаётган экан. Шу кунларда уни бу ҳолатдан қутқариш учун янги бир реклама усули ҳақида ўйлаяпмиз.

**Турсунбой БОЙМИРОВ**




*Футбол*

## "Пахтакор" ва "Қурувчи" рақиблари маълум

***Яқинда Осиё футбол конфедерацияси штаб-квартирасида Осиё чемпионлар лигасининг 2008 йилги гуруҳ баҳслари учун қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.***

Қуръага кўра, ўз тарихида илк марта нуфузли мусобақада иштирок этадиган "Қурувчи" жамоаси жуда кучли гуруҳдан ўрин эгаллади. "Қурувчи" "А" гуруҳида 2007 йилги Осиё Чемпионлар лигасининг финалчиси – Эроннинг "Сепахон", лиганинг икки карра чемпиони – Саудия Арабистонининг "Ал Иттиҳод" ва Суриянинг "Ал Иттиҳод" жамоалари билан бир гуруҳдан ўрин эгаллади.

Мамлакатимиз чемпиони – "Пахтакор" жамоаси эса "D" гуруҳида Қатарнинг "Ал Гарафа", Ироқнинг "Арбил" ва Кувайтнинг "Ал Қодисия" жамоалари билан кураш олиб борадиган бўлди. 2006 йилги мавсумда "Пахтакор" айнан "Ал Қодисия" билан бир гуруҳдан жой олганди. Ўшанда Равшан Ҳайдаров шогирдлари Кувайтдаги учрашувнинг сўнгги дақиқаларида ўз дарвозасидан 2 та тўп ўтказиб юбориб, мағлубиятга учраган бўлса, Тошкентда бўлган сўнгги тур учрашувида эса 2:2 ҳисобида дуранг ўйнаб, гуруҳда қолиб кетган эди.




***Италиянинг "Интер" жамоаси ҳужумчиси бразилиялик Адриано Бразилия чемпиони "Сан-Паулу" клуби билан олти ойлик шартнома имзолади. Энди футболчи 2008 йилнинг 30 июнигача жамоада ижара асосида тўп суради.***

## Адриано ватанига қайтди



Қизиғи, италиялик мухлислар томонидан Адриано яқинда "Йилнинг энг ёмон ҳужумчиси" дея эътироф этилганди. Европанинг "кучли бешлик" мақомини олган чемпионатларда фақатгина Италияда шу "унвон" футболчилар учун махсус таъсис этилган. Бир пайтлар бразилиялик Ривалдо ҳам ана шундай "унвон"ни қўлга киритганди.

25 ёшли Адриано учун сўнгги икки мавсум омадсиз ўтмоқда эди. Отасининг ўлимидан қаттиқ руҳий азобланган футболчи спиртли ичимликларга ружу қўйди. Натижада, спорт формасини йўқотиб қўйди ва ҳатто "Интер"нинг захира ўриндиғидан жой ололмади.

*Юнон-рум кураши*

## *Халқаро турнир якунланди*

***Қарши шаҳрида ўсмирлар ўртасида юнон-рум кураши бўйича халқаро турнир якунланди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистондан келган 200 дан зиёд ёш полвонлар муросасиз кураш олиб борди.***



Икки кун давом этган баҳсларда Қашқадарё, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрилик спортчилар куч ва маҳорат бобида устун эканликларини намойиш этиб, рақибларига имконият қолдиришмади. Ўз вазн тоифаларида Н.Эшонқулов, Ш.Азимов, М.Қаюмов, Б.Назаров, А.Кенжаев, А.Тоғаев, Ф.Аъзамов, М.Раҳматов, А.Маҳмудов, М.Жўраев, С.Караев, М.Собиров, М.Арзуманян каби полвонлар олтин медални қўлга киритишди.

*Бокс*

## Жанг муддати ноаниқ

***Профессионал бокснинг иккинчи ўрта вазнида учта йўналиш – WBC, WBA ва WBO камарлари чемпиони Жо Кальзаге ўзининг навбатдаги жангини Бернард Хопкинсга қарши ўтказишини билдирди.***



Иккала боксчи тарафдорлари ҳал қилувчи келишувларга эришишди. Жанг апрель ойларида ўтиши мўлжалланган. Бироқ Хопкинс бу муддатни кейинроққа суриш ниятида. Айнан "муштлашув" санаси борасида бир оз ноаниқликлар мавжуд.

– Хопкинс ёз ойларидан бирида мен билан учрашиш ниятида экан. Аммо мен тезроқ ўз мақсадимга, яъни мутлақ жаҳон чемпионлигига эришмоқчиман, – деб айтиб ўтган уэльслик боксчи.

**Суннатилла ИСЛОМОВ**

*Билиб қўйган яхши*

## Фойдага кон неъматлар

***Қайнатиб пиширилган дон маҳсулотларининг организм учун фойдали томони шундаки, улардаги оқсил моддаси иссиқлик таъсирида организмга сўрилиши осон. Чунки бу дон маҳсулотларида организмга осон сўриладиган углеводлар кўп миқдорда мавжуд. Буларнинг ҳаммаси организмни кўп миқдорда энергия билан таъминлайди.***

Дон маҳсулотларининг энг асосийларидан бири — гречка яхши таъм ва озиқли маҳсулот бўлиб, унда ўртача 14 фоиз оқсил, 67 фоиз крахмал, 3 фоиздан ортиқ ёғ, $B_1$, $B_2$, $B_6$, PP витаминлари, шунингдек, фосфор, калий, марганец, кальций, темир, магний минераллари мавжуд. Бундан ташқари, гречка антитоксидантлик таъсирга ҳам эга бўлиб, у организмдан ортиқча холестерин ва оғир металлар ионларини чиқаришга ёрдам беради. Юрак-қон томир касалликлари, хусусан юрак ишемик касаллиги ривожланишининг олдини олади.

Фақат гречка дони қайнатмасининггина эмас, балки таркибида рутин, каротин, аскорбин кислотаси, органик кислоталар мавжуд бўлган барг ва гуллари ҳам шифобахш ҳисобланади. Унинг барг ва гулларидан тайёрланган дамлама балғам кўчирувчи сифатида йўталда, юрак-қон томирлари атеросклерозида ичилади. Дамлама тайёрлаш учун барг ва гулларнинг қуритилганидан бир қошиғини 0,5 л қайноқ сувда, ёпиқ ҳолда 2 соат давомида дамланади ва сузилади. Дамлама кунига ярим стакандан 3-4 марта ичилади.

**Манзура ШАМСИЕВА тайёрлади.**






*Ўқинг, қизиқ*

## Илон жониворларни аврайдими?

***Сув илони қурбақани тутиб ейди. Бунинг учун у қурбақанинг олдига ғоят эҳтиёткорлик билан сузиб боради. Яқин қолгач, чаққонлик билан унга ташланади. Баъзан шундай ҳам бўлади: сув илони бир ерда ўликсифат бўлиб тинч ётади. Қурбақалар эса бепарво саёҳат қилиб, унинг ёнига келиб қолишади. Айрим пайтда қурбақалар илоннинг, ҳатто, у ер-бу ерига суйкалиб ҳам ўтиб қолади. Пайт пойлаб ётган илон ана шундай қулай пайтда эпчиллик билан қурбақага ташланади ва уни ютиб юборади.***

Сув илони ўлжасини пойлаб ётганида баъзан жуда усталик билан ип сингари ингичка тилини чиқариб, ликиллатиб туради. Буни кўрган қурбақа илон тилини бирор қурт бўлса керак деб тахмин қилиб, уни тутиб ейиш учун илоннинг тумшуғига келади. Илон уни осонгина ушлаб олиб, ютиб юборади.

**Акбар АЛИЕВ тайёрлади.**

ООО "ROMATA" объявляет об уменьшении Уставного фонда с 2 000 000 сум на 1 000 000 сум.


**Бош муҳаррир** Чори ЛАТИПОВ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Ўктам БАРНОЕВ, Ағитай АДИЛОВ, Ўткир РАҲМАТ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб), Комилжон МАМАЖОНОВ

**ТЕЛЕФОНЛАР:** Қабулхона -136-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-54-44, 133-28-04, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04. Факс - 133-44-43, 133-28-04, 133-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:** Қорақалпоғистон Республикаси – 585-12-17, 223-57-53; Андижон – 224-99-13; Бухоро – 542-05-18; Жиззах - 265-78-52; Навоий – 224-69-08; Наманган – 412-34-23; Фарғона – 224-81-69; Самарқанд – 222-29-97; Сурхондарё – 335-13-42, 465-26-61; Сирдарё – 372-38-13; Тошкент – 100-29-61; Хоразм – 726-35-81; Қашқадарё – 227-65-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар. Ⓣ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба ("Ҳаёт"-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-1118, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 00.50 Адади - 13178

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456